Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 149 (3650)
3 ДУШАНБА
ИЮЛЬ 1978 Й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Тошкент авиация корхонасининг коллектив пассажир оборотни ва пассажирларни жўнатиш бўйича асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ўн олти йиллик плани муддатидан олдин бажарди. Юклар ва почталарни дастлабки жўнатиш бўйича йирик йиллик план барвақт адо этилган эди.

Тошкент авиация корхонасининг шахсий состави СССР Конституциясининг бир йиллиги шарафига ишлаб чиқариш йиллик топшириғини ва беш йилликнинг уч йиллик мажбуриятини адо этиш юзасидан социалистик мусобақани авж олдириб юборди.

ОСМОНЎПАР БИНО

Энгельс кўчасида қад кўтараётган алоқа давлат махсус лойиҳа институтининг кўп қаватли янги биносини «Главташкентстрой»га қарашли 11-«Висотстрой» қурилиш трести 69-қурилиш бошқармасининг Владимир Стратулатов бошлиқ комплекс бригадаси аъзолари бунёд этишмоқда.

Участкада мазкур трест 76-қурилиш бошқармасининг жилокорлари пардоз ишлари ва бинонинг ташқи томонига офтобдан ҳимоя элементларини монтажлашни ҳам тезкорлик билан амалга оширишяпти.

«Олимпиада-80» белгиси билан

Икки йилдан сўнг Ватанимиз пойтахтида XXII Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади. Мана шу катта спорт анжуманига барча корхона ва ташкилотлар каби Тошкент спорт буюмлари фабрикаси ҳам катта тайёргарлик кўрмоқда.

— Корхонамизда ана шу санага бағишлаб беш хил маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда, — дейди фабрика бош инженери Собир Саидкаримов.— Булар «Олимпиада— 80» белгиси туширилган спорт сумкаси, икки хил кепток ва шапка-жакетқадир.

Спорт буюмларини сифатли ва чиройли қилиб ишлаб чиқишда корхонанинг ишчилари самарали меҳнат қилишмоқда. Пешқадам ишчилардан Ю. Азаматов, Л. Валиева, А. Қаюмов, Ф. Шоназаров кабилар кунлик план топшириқларини 150— 160 процентдан адо этишиб, ўзаро социалистик мусобақада ғолиб бўлмоқдалар. Ҳозирги кунда уларнинг ҳар бири шахсий меҳнат календарида 1979 йилнинг баҳори бошланди. Спорт тўпи тикувчилар бригадаси аъзолари СССР Конституцияси қабул қилинган кунининг бир йиллигигача 3,5— 4 йиллик план топшириқларини бажаришни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйганлар.

Ш. ҲИДОЯТОВ.



Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасига қарашли: «Красносточное» депоси коллективи беш йиллик топшириқларини адо этиш борасида умумхалқ мусобақасини кун сайин авж олдириб, унумли меҳнат қилмоқдалар. Бу корхона коллектив илғор ремонтчи электр-слесарь Валерий Завелин номини ҳурмат билан тилга олади. Чунки бу пешқадам ишчи доим ишлаб чиқариш топшириқларини ортиғи билан адо этиб кўпларга ўрнак бўляпти.

СУРАТДА: В. Завелин иш устида.

И. Шониёзомов фотоси.

ЮКСАК САМАРАЛИ ГРАФИК БЎЙИЧА

Республика Қурилиш лаб чиқаришга қўллаш министрлигининг «Узоргтехстрой» трестининг лойиҳа-технология бюроси мутахассислари А. Попандопулос, Г. Луквянчук ва В. Черкасовлар Бекободдаги Ўзбекистон металлургия заводининг электр пўлат қуйиш цехи қурилишини планлаштириш ва бошқариш учун ишлаб чиқишган янги система юксак самарали эканлигини кўрсатди.

Ана шу системадаги тармоқли графикни ишга натижасида объектнинг биринчи навбати муддатидан илгари фойдаланишга топширилди. Объектнинг иккинчи навбатини эса (1979 йилда фойдаланишга топширилади муддат) иккинчи ой илгари ишга тушириш мўлжалланилмоқда.

Янги система давлатнинг 242 минг сўм маблағини тежаб қолди ва меҳнат сарфини анча камайтирди.

БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ШАРАФ БИЛАН БАЖАРАМИЗ!

• Тошкентликларнинг зарбдор йилдаги вахтаси давом этмоқда | • Барча резервларни ишлаб чиқаришга жорий этайлик | • Сифат ва самарадорлик асосий шиоримиз | • Социалистик мусобақа илғорларига тенглашайлик

АҲДГА ВАФО

«Бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажарамиз!» Республикамиз енгил саноат корхоналарида юзлаб ишчилар ана шу шиор остида меҳнат қилмоқдалар. Ҳозиргача тўрт йиллик топшириқни 150 дан ортиқ ишчи, беш йиллик планни эса 53 нафар ишлаб чиқариш илғори шараф билан бажарди. Куни кеча беш йиллик гвардиячиларнинг сафи яна биттага ортди.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг моҳир тўқувчиси Валентина Кузнецова беш йиллик программани муваффақиятли якунлаганини маълум қилди. У беш йиллик бошидан буён 1.579 метр газлама ишлаб чиқарди.

Валентина Кузнецова ишлар узилишини тез бартараф эта билиш маҳоратини оширганлиги, типовой нормадаги 24 ўрнига 56 та станокка хизмат кўрсатиб, ўз хизмат кўрсатиш зонасини тинмай кенгайтириб бораётганлиги туфайли бундай қувончли муваффақиятларни қўлга киритмоқда.

Ҳозир моҳир тўқувчи ўнинчи беш йилликнинг охиригача яна бир беш йиллик топшириқни бажариш иштиёқи билан ёнмоқда.

Б. УСМОНОВ.



Коммунистик меҳнат зарбдори Лидия Опарина чорак асрдан буён шаҳримиздаги «Малина» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси тўқув участкасида тўқувчи бўлиб меҳнат қилиб келмоқда. Ана шу давр мобайнида у кўпгина ёшларга меҳр билан ўз касбини ўргатган бу пешқадам ишчи аёл беш йиллик шахсий топшириқларини муддатидан илгари адо этиш социалистик мусобақасини яна да авж олдириб мунтазам равишда смена-ойлик топшириқларини 130—140 процент адо этмоқда. У шахсий беш йиллик нормасини 3,5 йилда бажариш ташаббусига имзо чеккан.

СУРАТДА: Л. Опарина.

ПЛАНГА ҚЎШИМЧА

«Зарбдор меҳнатимиз — беш йилликка!» шиори остида меҳнат қилаётган 127-автобаза коллективи 1978 йилнинг биринчи ярим йиллик топшириғини муддатидан илгари адо этиб, шу кунларда иш суръатини янада ошириб юборди.

Корхонанинг Юрий Калабин, Анвар Ҳўжаев, Георгий Мезников, Равил Сулаймонов каби пешқадам шоферлар бригадалари коллектив ютугига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

БУГУН

эса автобазанинг йигирма саккиз нафар шофёри беш йиллик**нинг шахсий уч йиллик топшириқларини бажарганлиги ҳақида рапорт берди.**

Тошкентлик транспортчилар оталиқлаги хўжаликларга ҳам ёрдамни кучайтиришяпти. Ҳозир автобазанинг 60 та машинаси Жиззах областининг Ғаллаорол райони пахтазорларида жавлон урмоқда.

ГРАФИКДАН ЎЗИБ

Сергелининг янги турар жой массивида ҳар бири 280 кичкинтойга мўлжалланган иккита болалар боғчаси қурилмоқда. Бинокорлик ишларини Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармаси 153-қурилиш трести 3-қурилиш бошқармасининг Виктор Улибин бошлиқ бригадаси аъзолари амалга оширишмоқда. Объектлар қурилиши графикдан ўн беш кун ўзган ҳолда адо этиляпти.

Бригада коллективи иш вақтидан унумли фойдаланишлари, ишлаб чиқаришга илғор иш усулларини жорий этиш. лари туфайли кунлик нормаларини 130 процентга етказиб бажаришмоқда. Улар бинолар нинг умумий қурилиш ишларини Бинокорлар куни арафасида битказишга қарор қилишган.

Иккала болалар боғчаси биноси ҳам шу йил тўртинчи кварталда фойдаланишга топширилади.

«ПРАВДА» САҲИФАЛАРИДА

● Газетанинг бугунги сонида «Яратувчанлик йўлидан» деб номланган бош мақола эълон қилинган. Унда совет халқининг КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида кўтаринки руҳ билан меҳнат қилаётганлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

● Вьетнам Социалистик Республикаси ташкил этилганлигининг икки йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ўртоқларининг Вьетнам Социалистик Республикасининг президенти Тон Дик Тханг, Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ле Зуан, Вьетнам Социалистик Республикаси Миллий кенгаш Доимий комитетининг Раиси Чионг Тинь, Вьетнам Социалистик Республикаси ҳукумати Бош министри Фам Ван Донг ўртоқларга йўллаган табрики эълон қилинган.

ТАКОМИЛЛАШГАН ЛИНИЯ

Тошкент ёғочни қайта ишлаш комбинатида янги такомиллашган технология линиясини созлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Хом ашёни дастлабки ишлаш цехида ўрнатилган бу қурилма ишга туширилиши билан ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 15 процент кўпаяди.

Игорь Богомонов бошлик комплекс бригада ана шу линияни монтаждан чиқариб ишга туширишга тайёрламоқда. Бу иш юкори сифат билан ва муддатидан илгари бажарилмоқда.

Корхонада кейинги йилларда янги техника ва технологияни жорий этиш борасида қатор кимматли тадбирлар амалга оширилди. Дурадгорлик цехида эшик блокларини бўёқдан чиқарадиган қўшимча конвейерни ўрнатиш ҳам бошланди. Ана шу цехнинг ўзида янги қуритиш камералари ҳам ишга туширилиш арафасида.

Илғор алоқа бўлими

Киров районидаги алоқа бўлимлари ўртасида ўтказилган социалистик мусобақада ғолиб чиққанлиги учун 106-алоқа бўлимининг коллективига кўчма Қизил байроқ ва биринчи ўрин берилди.

Унинг меҳнатчилари обуначиларга 84 минг нусхадан зиёд газета ва журналлар, 1028 кўп болали оналар ва пенсионерларга пенсия ва нафақалар тарқатиш ишларини аъло даражада бажардилар.

Алоқа бўлими коллективининг аҳди СССР Конституциясининг бир йиллиги байрами кунида беш йилликнинг тўрт йиллик топшириғи бажарилганлиги ҳақида рапорт беришдир. Корхонанинг Г. Ҳасанов ва Н. Нигматуллин бошчилик қилаётган бригадалари коммунистик меҳнат коллективи деган юксак номга сазовор бўлишган.

● *Маданият хроникаси*

АСАРГА ҚАЙТА УМР

«Китобга қайта умр» деган шиор остида шаҳримиздаги қатор нодир китоблар магазинларида янги кўргазмалар ҳафталиги ўтди. Бу ҳафталикни шаҳар китоб савдоси бўлими ходимлари ҳамда «Ташкинга» ишчилари Шаҳар Китобсеварлар Жамиятининг ходимлари билан бирга ҳамкорликда ўтказишди.

Ҳафталик кунларида аввал нашр этилган нодир китоблар кўргазмаларидан китобсеварлар қимматли китобларни харид қилишди. Айниқса, «Ташсельмаш» заводи китоб магазинида бу ҳафталик жуда катта тантанага айланиб кетди. «Подъёмник», трактор, экскаватор ва кабель заводлари ҳамда «Средазнефтегазстрой» ташкилотларида бу кўргазма кўтаринки руҳда ўтди.

Шаҳримиздаги еттита йирик нодир китоблар магазинии шу кунгача мингга яқин нодир китобни ўз мухлисига етказди.

АФРИКАГА ҚАРШИ ФИТНА

Африка қитъасида содир бўлаётган воқеалар АҚШ бошчилигидаги империалистик давлатларнинг шу районда ўз активлигини ғоят кучайтириб юборганлигини ва Африканинг жандарми ҳамда мазкур қитъадаги халқларнинг тақдирини «ҳал этиш» вазифаларини ўз зиммасига олишни истаётганлигини тасдиқлайди. Зайрдаги интервенция, Комор ороллариДаги тўнтариш, Анголага қарши ижвогарлик ва ниҳоят, НАТО раҳбарлигида «Африка мамлакатларкаро» деб аталган ва аслида Африкага қарши бўлган қуролли кучларнинг вужудга келтирилаётганлиги ва бошқа ҳодисалар империализмнинг кейинги вақтларда қитъадаги миллий озодлик ҳаракатига, тараққийпарвар кучларга қарши қилаётган ҳужумларидан далолат бериб турибди. Бу ҳужумлар империализм ва реакция Африкадаги мустақил мамлакатларга қарши фитна уюштирмоқда, деб ҳисоблаш учун тўла асос беради.

Бундай ҳаракатларнинг боиси нима? Империалистик давлатлар қитъанинг ишларига қурол кучи билан очиқдан-очиқ аралашаётганлигига ва бу билан мустамлакачилик талончилигининг энг разил пайталарини тиклаётганлигига сабаб нима?

Африкада кейинги чорак аср мобайнида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. «Бешта мустамлака империяси қитъаси» 49 суверен давлат қитъасига айланди. Африка диёрида мустамлакачилик ва ирқчиликнинг сўнгги ўчоқларини тугатиш масаласи кун тартибига қўйилди. Ғарбнинг иқтисодий позициялари, Ғарб монополияларининг манфаатлари хавф остида қолди.

Шу сабабдан улар қитъадаги табиий бойликларни талаш ва арзон ишчи кучларини эксплуатация қилиш нақтижасида олинадиган фойдадан маҳрум бўлиб қолишни истамайдилар. Америка монополияларигина 1950 йилдан тортиб 1975 йилгача Африкадан 5,5 миллиард доллар фойда олганлигини айтиб ўтиш кифоядир. Франция, Бельгия, Португалия, Ғарбий Германия компаниялари ва бошқа компаниялар ҳам улардан қолишмади. Империалистик давлатларнинг корпорациялари бойлик тўпларини ҳолда маҳаллий аҳоли қашшоқ ҳаёт кечира бошлади. Мустамлакачилик жаҳондаги энг камбағал 29 мамлакатдан 18 тасн Африкада жуда оғир машаққатларга дучор бўлганлиги учун жавобгардир.

Африка халқлари бундай аҳволга тоқат қилишни истамаётганлиги табиий бир ҳолдир. Социализмни ўз мақсади деб эълон қилган мамлакатлар намунаси Африкадаги бошқа давлатларга революционлаштирувчи таъсир ўтказмоқда.

●

Ҳалқаро МАЙДОНДА СУҲБАТ

●

Эндиликда собиқ мустамлакачилар озодлик ҳаракатига қарши ҳужумга ўтдилар. Улар маҳаллий реакция билан апоқ-чапоқ бўлиб, янги мустамлакачилик тертибларини Африка халқларига мажбуран қабул қилдиришни, тараққийпарвар режимларнинг обрўсини тўкиш ва уларга путур етказишни, қурол кучи билан бу мамлакатларни кўркитишни истайдилар. Зайрдаги воқеалар Ғарбнинг тараққийпарвар режимларга қарши кўпдан-кўп плантацияларини сақлаб қолиш билан чекланибгина қолмай, балки уни мустаҳкамлашга, Африка давлатларининг тараққиётини янги мустамлакачиларга мақбул бўлган йўлга солиб юборишга ҳам интилмоқдалар. Шу билан бирга улар Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик давлатларга нисбатан ишончсизлик туғдириш ва Африкани ўзининг содиқ иттифоқчиларидан маҳрум этишга уринмоқдалар. Империалистик пропаганда Совет Иттифоқига, Кубага ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларга нисбатан тарқатаётган разил туҳмат ҳам шу мақсадларга хизмат қилади Аммо бундай уринишлар ҳеч кимни чалғита олмайди. Африка халқлари ўзларининг чин дўстларини, «инсон эркинлиги ва ҳуқуқлари учун курашчилар» ниқобига бурканган золимларни бир-биридан аҳрата оладилар. Масалан, Танзания президенти Жулиус Ньерере советларга ва Кубага қарши қилинаётган туҳматни қораламоқда ва Африкадаги қонуний ҳукуматларнинг чет эл агрессиясига қарши кураш дўстлардан ёрдам олиш ҳуқуқини ёқлаб чиқди.

Африкада содир бўлаётган туб прогрессив ўзгаришлар мукаррар давом этаверади Совет ҳукуматининг ақинда эълон қилинган баёнотида таъкидлаб ўтилганидек, Африкадаги мустақил мамлакатлар мустамлакачиларнинг кирдикорларига озод халқларнинг ягона иродасини, уларнинг ўз мамлакатларини мустақиллигини ва уларнинг эрини ички тараққиётини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга аҳд қилганликларини қарама-қарши қўймоқдалар. Совет Иттифоқи, дейилади баёнотда, Африкада мустамлакачилик ва ирқчиликнинг ҳар қандай формадаги қолдиқларининг сақлаб қолишига қарши, мустамлакачиликка қарши курашаётган Африка халқларини қўллаб-қувватлайверади.

В. СЕРОВ,
(ТАСС).

★ ФУТБОЛ

САФАРДАГИ ДУРАНГ

Футбол бўйича олий лига командалари ўртасида навбатдаги тур учрашувлари ўтказилди. Бу турда пахтакорчилар киевлик динамочиларнинг меҳмони бўлишди. Қизиқарли ўтган бу учрашув 2:2 ҳисобида дуранг натижа билан тугади.

Қолган командалар ўртасидаги учрашув қуйидаги натижа билан тугади: «Динамо» (Тбилиси)— «Локомотив»— 2:0, «Шахтер» —«Зенит»—1:0, «Черноморец»— ЦСКА — 4:0, «Динамо» (Москва)—«Нефтчи»— 1:0, «Днепр»— «Торпедо» —2:0, «Заря»— «Арарат»— 1:0.

✦ ШАҲАР — ҚИШЛОҚҚА

ЯНГИ ЗАВОД

«Узплодоовощ в и нпром» бирлашмасининг марказий конструкторлик технология бюроси лойиҳачилари Самарқанддаги «Уроқ ва Болга» консерва заводининг Тайлоқ посёлкасида бунёд этилаётган филиалининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни ниҳоясига етказдилар.

Мутахассисларнинг тайёрлаган лойиҳасида ишлаб чиқариш ва маъмурий-маиший корпуслар, ёрдамчи ва омбор иншоотлари қурилиши мўлжалланган. Тозалаш иншоотларининг системаси атроф-муҳитнинг муҳофазаси бўйича нормативларни ҳисобга олган ҳолда қурилади.

Шу йилнинг кузида бу ерда дастлабки ҳосилни қайта ишлаш мўлжалланган. Корхона ишга тушгандан кейин унинг иккала потокли линияси бир йилда 24 миллион шартли томат консерва банкасини тайёрлашдан иборат.

Ана шу конструкторлик-технология бюросининг мутахассислари ўз фаолиятини бошлаганига уч йил бўлишига қарамай, сабзавотни қайта ишлаш бўйича 15-корхонанинг лойиҳасини яратдилар.

ЖАСОРАТ ВА ВАТАНПАРВАРЛИК КИТОБИ

Киров номли маданият ва истироҳат боғи ҳамда шаҳар марказий кутубхонаси Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» китоби бўйича китобхонлар конференциясини ўтказди.

Ана шу конференцияда 255-денгиз десант бригадасининг санитария инструктори Клавдия Прокофьевна Базарова Улуғ Ватан урушининг машаққатли кунлари. Кичик ерга уч марта туширилган десантда қатнашган хотиралари ҳақида гапириб берди. Шунингдек денгиз пиёдасининг жангчиси Анатолий Федорович Петров Кичик ерга десант туширилишидан олдин Геленжикда ўтказилган митингда Л. И. Брежневнинг сўзлаган нутқи хотирасида бир умрга сақланиб қолганлигини ҳикоя қилди.

Бундан ташқари 56-армиянинг собиқ разведкачиси, ҳозирда офицер Георгий Владимирович Радзеевич ўша жасоратли жанг воқеаларини таърифлаб берди. Шунингдек, «Билим» жамиятининг лектори, педагог Лидия Михеевна Горсткина Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» китоби катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги, унда совет кишиларининг жасорати ҳаққоний ёритилганлигини сўзлаб берди. Ана шу конференцияда «Новороссийскнинг енгилмас ери» деган китоблар кўргазмаси ҳам тингловчиларда яхши таассурот қолдирди.

Шаҳар маданият бошқармаси қошидаги духовой оркестр ва республикада хизмат кўрсатган артист Юрий Беров ижро этган «Кичик ер қўшиғи» жасорат, мардлик, ватанпарварлик гимни бўлиб янгради. Конференция охирида Тухмановнинг «Ғалаба куни» деган қўшиғи ижро этилди.



МЕҲНАТДА ПЕШҚАДАМ

«Узсельхозтехника»нинг Тошкентдаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени тажриба-ремонт-механика заводи коллективи республикамиз қишлоқ меҳнаткашлари учун қўплаб трактор моторлари, қишлоқ хўжалиги машиналарини ремонт қилишда кенг қўлланиладиган гидравлик пресслар ва бошқа шу каби асбоб-ускуналар тайёрлаб беряпти. Шу кунларда корхона меҳнат аҳли ўртасида барча буюртмаларни ўз вақтида юқори сифат билан адо этиш, металл, электр энергиясини тежаш ва йиллик ишлаб чиқариш топшириқларини улуғ сана — СССР Конституцияси қабул қилинган кунгача бажариш юзасидан бошланган умумхалқ мусобақаси кун сайин кенг қулоч ёзмоқда.

Мана бу фотолавҳада завод гидравлик прессларни тайёрлаш цехининг зарбдор ишчиларидан (чапдан-ўнгга) йиғувчи-слесарь В. Гречкин билан катта мастер О. Шоумаровлар янги прессларни кўздан кечиришмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

• *Идеология ва ҳаёт*

Лекторнинг жанговар сўзи

Тошкент «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг цехлари, филиаллари ва бўлимларидаги «Ленин хоналари», «Қизил бурчаклар» сменалар орасида гавжум бўлади. Бу ерда ишчилар КПСС XXV съезди материаллари, партиянинг ички ва ташқи сиёсати, ҳозирги халқаро аҳвол, ўнинчи беш йилликда мамлакат ва республиканинг социал-сиёсий ҳамда иқтисодий ривожланиши проблемалари юзасидан лекция ва суҳбатлар тинглайдилар.

Корхонада лекция пропагандасининг йўлга қўйилишида «Билим» жамиятининг Киров район ва Тошкент шаҳар ташкилотлари катта роль ўйнаяпти. Район ва шаҳар ташкилотларидан бу ерга чиқаётган лекторларнинг кўпчилиги — олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларининг олимлари, мутахассислар, адабиёт ва санъат арбоблари, ўқитувчилар, врачлар, юристлар ва бошқалардир. Улар орасида «Малика» ишчиларига маъзур бўлган лекторлардан — тарих фанлари кандидати Мирза Аюпов, республика илмий-атеизм уйининг ходимлари Марк Тонгконогов, Г. Набиев, Т. Нуриддинов ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Улар мавзуларга пухта тайёрланадилар, аудиториянинг ўзига хос хусусиятини ўрганадилар, бирлашма ҳаётига оид фактлардан моҳирлик билан фойдаланяптилар.

Халқ университетлари пропагандачиларининг самарали формасидир. Бирлашмада ЎзССР Фанлар академиясининг экономика институти базасида илмий-техника тараққиёти ва иқтисодий билимлар халқ университети иккинчи йил ишламоқда. Машғулотлар ҳар ойда икки марта бўлмоқда. Унда экономика институтининг олимлари иқтисодий мавзуларда қизиқарли лекциялар билан чиқяптилар.

«Билим» жамиятининг бирлашмадаги ташкилотида 66 аъзо бор. Уларнинг 20 нафари КПСС аъзоларидир. Лекторларнинг кўпчилигини шу ерда ишлаб меҳнатда активлик кўрсатган мутахассислар, цех бошлиқлари ташкил этади. Ташкилотнинг 11 кишилик бюроси бўлиб, у лекция пропагандаси юзасидан перспектив ва жорий планлар тузади, лекторлар ишини йўналтириб туради, улар иштирокида турли учрашувлар, савол-жавоб кечаларини уюштиради.

Бирлашма лекторлари етти секцияга бўлиниб, иш олиб боряптилар. Ишлаб чиқариш, сиёсий, медицина, ҳуқуқ, адабиёт ва санъат, илмий атеизм ва ҳарбий-ватанпарварлик мавзулари юзасидан лекциялар мавжуд бўлиб, уларга технолог Н. Игнатенко, Л. Томашевская, врач Т. Қўчқорова ва бошқалар раислик қиляптилар. Секцияларнинг аъзолари ўз маърузаларида лекция ишини яхшилашга, лекцияларнинг ғоявий-назарий мазмуни ва таъсирчанлигини оширишга қаратилган конкрет тадбирларни ишлаб чиқяптилар.

Кишиларда илмий дунёқарашни шакллантириш, уларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида, ёшларни революцион ва меҳнат анъаналари асосида тарбиялаш масалаларни бирлашма коллективи орасида ўқилаётган лекцияларда алоҳида ўрин эгалляпти. Бунда лекторлардан коммунист А. Таманов, Т. Қўчқорова, В. Кучерявенко ва бошқалар айниқса активлик кўрсатишяпти. Улар ҳар бир лекцияга пухта тайёргарлик кўрадилар, шунинг учун уларнинг лекциялари тингловчиларни доим қизиқтиради.

Лекция пропагандасида техникавий ва иқтисодий билимларни тарғиб қилишга, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга катта эътибор бериляпти. Цехларда «Ўнинчи беш йиллик-коммунист т и к қурилишда янги босқич», «Самарадорлик ва сифат беш йиллиги», «СССР янги Конституцияси — ривожланган социализм Конституциясидир», «Социалистик турмуш тарзимиз», «Социалистик мулкнинг даҳлсизлиги» ва бошқа мавзуларда лекциялар ўқилмоқда.

Кўпгина лектор кадрлар ўз коллективлари вазифаларини яхши билган ҳолда уларни бутун халқимизнинг иқтисодий ва сиёсий вазифалари билан боғламоқдалар. Масалан, бирлашманинг бош экономисти, коммунист Вячеслав Малькин «Социалистик турмуш тарзи — совет жамиятининг буюк ютуғи» деган темада лекция ўқиганда меҳнатга коммунистик муносабатда бўлаётган, ишлаб чиқаришда намуна бўлаётган илғорларни кўрсатиб ўтди. Булар—шу беш йилликда икки беш йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилган тўқувчи Шоира Ҳолмуҳамедова, тикувчи-мотористка Лидия Феоктистова, мусобақа илғорларидан Е. Назарова, А. Шосаидова ва бошқалардир.

Яқинда партком маърузасида «Билим» жамиятининг бирлашма ташкилоти раиси Н. Богдановнинг ҳисоботи эшитилиб, лекция пропагандасини партия Марказий Комитетининг қарори асосида янада кучайтириш тадбирлари белгиланди.

Бирлашма лекторларининг жанговар сўзи меҳнаткашларни янги-дан-янги зафарларга ундамоқда. Коллектив 1977 йилда республика социалистик мусобақасида голиблар қаторида тақдирланди.

Бироқ лекция ишида камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, лекцияларга баъзан кам киши қатнашяпти.

Лекция пропагандасида айрим цех ва бўлимларнинг раҳбарлари, мутахассислари суст қатнашяптилар.

Лекция пропагандасининг жанговарлигини, таъсирчанлигини ва савиясини ошириш мақсадида лекторлар, айниқса ёш лекторлар билан семинарлар ўтказиш энг яхши лекторларнинг тажрибасини ёйиш партия ташкилотининг доимо эътиборида бўлмоғи лозим.

Бирлашма партия ташкилоти мавжуд камчиликларни йўқотиш, лекция соҳасидаги барча ишни КПСС Марказий Комитетининг «Лекция пропагандасининг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ташкил қилмоғи лозим.

С. НИШОНБОЕВ.
«Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи мухбири.

• *Сифат ва самарадорлик—шиоримиз*

Натижаси қувонарли

Партия ва ҳукуматимиз ишлаб чиқариш самардорлигини оширишга, иш сифатини яхшилашга ҳамиша катта эътибор бериб келаяпти. Чунки самарадорлик қанча юксалса, эл фаровонлиги ҳам шунчалик ошади.


Трестимиз коллективи ҳам ана шу эзгу мақсад йўлида сифат ва самарадорликни оширишга борасида тинмай изланмоқда. Маълумки, 50-йилларда ташкил этилган маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системаси (КСУКП) шаклланиб боряпти. Баъзи жойларда эса унинг айрим элементлари қўлланиляпти, холос. Йўл қурилиши ташкилотлари йўл-қурилиш материаллари, қурилиш-монтаж ишлари ва иш усулларини такомиллаштиришга қаратилган талайгина тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширмоқда.

Яқинда мен комплекс системаларни жорий этиш бўйича Минск шаҳрида бўлган Бутуниттифоқ илмий-техника конференциясида иштирок этдим. Бунда РСФСР автомобиль йўл министрлигининг илғор ташкилотлари— Москва ва Ростов-Дон, шунингдек Минск шаҳарлари йўлсозларининг тажрибаларини ўртоқлашдик. Шуни айтиш керакки, бу ташкилотларда асосан иш нуқсонсиз меҳнат қилиш элементларини ва корхона стандартларини жорий этишдан бошланган.

Биз ҳам ишни ана шундан бошлаганмиз. Бу йил «Уздорстройиндустрия» бирлашмасининг Қўйлиқдаги темир-бетон конструкциялари экспериментал заводида маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системаси (КСУКП) жорий этилади. Ҳозир бу ерда сифатни назорат қилиш ва технология қоидаларини сақлашга қаратилган иккита корхона стандарти жорий этилмоқда. Бу ишга бош инженер В. И. Книшев ва темир-бетон бўйича технолог Л. А. Висоцкаялар раҳбарлик қилишяпти. Уларга «Узоргтехдорстрой» трестининг техника инспекцияси мутахассислари методик ва техник ёрдам кўрсатишмоқда. Ана шундай ижодий ҳамкорликнинг самараси катта бўляпти. Масалан, беш йилликнинг икки йили мобайнида 13 хил саноат маҳсулоти биринчи сифат категориясига аттестация қилинди. Бу йил эса яна 10 та буюмни аттестация қилиш мўлжалланган.

Мазкур заводнинг барча цех ва участкаларида иш қизиб кетди. Бу ерда КСУКПнинг тузилиш схемаси ишлаб чиқилмоқда. Сифатни назорат қилиш постлари ишлаб турибди. Дастлабки натижалар ёмон бўлмаяпти. Кўпгина маҳсулот биринчи тақдимдаёқ қабул қилиняпти. Шахсий тамға билан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳуқуқини қўлга киритиш учун ишчилар ўртасидаги меҳнат беллашуви тобора авж олмоқда.

М. ФЕЛЬДМАН,
«Узоргтехдорстрой» трестининг бўлим бошлиғи.



Муҳим халқ хўжалиги юклари ва пассажирлар ташиш планларини ортиғи билан адо этаётган Тошкент тепловоз депоси ишчан коллективи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиш борасида фидокорлик билан меҳнат қилмоқда. Сиз мана бу фотолавҳада корхона техника хизмати кўрсатиш пунктининг бир группа илғор ремонтчи ишчиларидан В. Егоров, Д. Алёшин, А. Новичков ва Б. Зиётдиновларни кўриб турибсиз. Бу ремонтчи слесарлар ҳаракатдаги тепловозларни мунтазам равишда сифатли ремонт қилиб берадилар.

М. Нуриддинов фотоси.

ИНСТИТУТНИНГ ЗАМОНАВИЙ КОРПУСИ

Шу кунларда республика Фанлар академияси биорганик химия институтининг янги олти қаватли инженерлик-лабораторияси корпуси қад кўтармоқда. Қурилиш ишларини жадаллик билан олиб бораётган 4-қурилиш трестидаги 38-қурилиш бошқармасининг Мирҳамид Муҳаррамов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси коллективи графикдан ўзган ҳолда меҳнат қиляпти. Азамат қурувчилар ҳозирги пайтда объектда умумий қурилиш ишларини — гиштин деворларни кўтариш, қопламаларни ётқизиш ишларини олиб бориш билан бирга, иссиқлик трассасини ўтказишни ҳам давом эттиришмоқда. Айни пайтда бу ерда сантехниклар ҳам иш бошлаб юборишган.

М. Муҳаррамовнинг аҳил бригадаси коллективи кундалик топшириқларини 130 — 135 процентдан бажаришга эришмоқда. Бригададаги 28 кишининг ҳар бири бир неча касбнинг моҳир устасидир.

СССР Конституциясининг бир йиллиги шарафига зиммага оширилган мажбурият олиб, меҳнат қилаётган бу коллектив беш йилликнинг уч йиллик топшириғини муддатидан илгари бажариш учун меҳнат қилмоқда.

ЮҚОРИ СУРЪАТДА

Пойтахтимизнинг Урол Тансиқбоев массивида 1176 ўқувчига мўлжалланган мактаб биноси қурилишида жилокорлик ишлари жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Сайқал ишларини Пардозлаш трести 29-қурилиш бошқармасининг Аҳмад Расулов раҳбарлигидаги участкаси қурувчилари амалга оширишяпти. Бошқарма пардозчилари мактаб қурилишини зардоб объект деб эълон қилишган. Улар қурилиш ишларини графикдан ўзган ҳолда бажаришмоқда.

Жилокорлик ишларининг тез ва сифатли бажарилишида Собир Исаев бошлиқ бўёқчилар, Карим Муслимов етакчилик қилаётган сувоқчилар, Баҳодир Эргашев раҳбарлигидаги кошинкорлар бригадалари аъзоларининг ҳиссаси катта бўляпти.

— Шу кеча-кундузда мактаб биноси қурилишида 135 нафар пардозловчи меҳнат қиляпти. — дейди участка бошлиғи А. Расулов.— Коллективимиз аъзолари барча куч ва имкониятларини мактаб биноси қурилишини 28 июнга қадар битказишга қаратишган.

Шунингдек объектда Қурилиш механизацияси трестига қарашли биринчи механизация бошқармаси, «Ташсантехгазмонтаж» трестининг 2-монтаж бошқармаси ҳам юқори сифат ва суръатда меҳнат қилишмоқда.

• *Уй-жой фондига-муҳим эътибор*

Асосий бойлигимиз

Бутун пойтахтимизда бўлгани каби бизнинг Киров районида ҳам кейинги йилларда турар жой фондининг техник даражаси тубдан яхшиланиб, улардан сифатли фойдаланиш соҳасида бир қатор ютуқлар қўлга киритилди. Халқимизнинг моддий бойлиги бўлган уй-жойларни асраб-авайлаш, унинг хизмат муддатларини ошириш бугунги кунда муҳим вазифалардан ҳисобланади. Район уй-жой бошқармаси ва унга қарашли ЖЭКлар, жамоатчилик асосида ишловчи уй комитетлари ана шу фахрли вазифага жалб этилган.

Ҳозирги кунда район уй-жой бошқармаси балансида 1037 уй бўлиб, 800 минг квадрат метрга яқин турар жой майдони мавжуд. Тўқизита ЖЭК, битта уй бошқармаси ва авария-диспетчерлик хизмати жамоатчилик асосида ишловчи ташкилотлар билан ҳамкорликда уй-жой фондидан фойдаланишнинг техник даражасини яхшилаш соҳасида кўпгина ишларни амалга оширмоқда. Аҳолига уй-жой хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида уй бошқармаси ва ЖЭКларда шанба ва якшанба кунлари ҳам навбатчилик йўлга қўйилган.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорига мувофиқ ҳолда уй-жой фонди, маданий-маиший ва жамоат биноларини асраш яхшилаш бўйича тадбирлар плани ишлаб чиқилган. Бу тадбирлар билан ҳар бир ЖЭК коллективи яхши таништириб чиқилди. Ҳозирги пайтда ЖЭК ва уй бошқармасида биноларнинг техник назоратчи, слесарь-сантехник, электрик ва электр-сантехниклар махсус график асосида навбатчилик қилишади. Тўққиз қаватли биноларда эса ўз вақтида бинони тоза сақлаш, аҳлат камералари ишини назорат қилиш бўйича масъул кишилар тайинланган.

Уй-жой биноларини намунали асраш ва жамоатчиликни ҳам кенг жалб этиш мақсадида уй-жой бошқармасида 11 кишидан иборат жамоат Совети составида шаҳар жамоат советига аъзо бўлиб кирдилар.

Барча ЖЭКларда кўп қаватли биноларнинг балконлари ва пешайвонларини намунали тартибда сақлаш юзасидан тадбирлар амалга ошириляпти. Навоий, Ленин, Хуршид, Энгельс кўчалари доимо намунали тартибда сақланмоқда. Яқинда 117 та бинонинг кўча томонлари ремонтдан чиқарилди. Чимкент трактидаги тўрт қаватли турар жой биноларининг балконлари эса бир хил намунадаги ойнаванд ромлар билан ромлаб чиқилди.

Турар жой фондини жорий ва капитал ремонт қилиш ишларига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Беш ойлик капитал ремонт ишлари плани 103 процент, жорий ремонт ишлари плани эса 107 процент қилиб бажарилди. «Главташкентстрой»га қарашли 1 ва 2-монтаж бошқармалари ёрдамида кўп қаватли биноларнинг ён томонларидаги панеллар бир-бирига уланган жойларини ремонт қилиш ишлари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Илгари биноларнинг ён томонларини ремонт қилиш бўйича махсус механизмлар етишмаслиги сабабли бу хилдаги ремонт ишлари пайсалга солиб келинган эди. Эндиликда биз тез орада кўпчилик биноларнинг панель уланган ён томонларини битум билан ремонт қилиб бўламиз.

Ёзги болалар дам олиш мавсуми бошланишидан олдин ҳовлиларгаги болалар ўйнайдиган ва спорт майдончалари, кичик ҳовузчалар яхшилаб ремонтдан чиқарилди. Чимкент трактидаги тўрт қаватли турар жой биноларининг балконлари эса бир хил намунадаги ойнаванд ромлар билан ромлаб чиқилди.

Турар жой фондини жорий ва капитал ремонт қилиш ишларига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Беш ойлик капитал ремонт ишлари плани 103 процент, жорий ремонт ишлари плани эса 107 процент қилиб бажарилди. «Главташкентстрой»га қарашли 1 ва 2-монтаж бошқармалари ёрдамида кўп қаватли биноларнинг ён томонларидаги панеллар бир-бирига уланган жойларини ремонт қилиш ишлари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Илгари биноларнинг ён томонларини ремонт қилиш бўйича махсус механизмлар етишмаслиги сабабли бу хилдаги ремонт ишлари пайсалга солиб келинган эди. Эндиликда биз тез орада кўпчилик биноларнинг панель уланган ён томонларини битум билан ремонт қилиб бўламиз.

Ёзги болалар дам олиш мавсуми бошланишидан олдин ҳовлиларгаги болалар ўйнайдиган ва спорт майдончалари, кичик ҳовузчалар яхшилаб ремонтдан чиқарилди. Чимкент трактидаги тўрт қаватли турар жой биноларининг балконлари эса бир хил намунадаги ойнаванд ромлар билан ромлаб чиқилди.

Турар жой фондини жорий ва капитал ремонт қилиш ишларига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Беш ойлик капитал ремонт ишлари плани 103 процент, жорий ремонт ишлари плани эса 107 процент қилиб бажарилди. «Главташкентстрой»га қарашли 1 ва 2-монтаж бошқармалари ёрдамида кўп қаватли биноларнинг ён томонларидаги панеллар бир-бирига уланган жойларини ремонт қилиш ишлари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Илгари биноларнинг ён томонларини ремонт қилиш бўйича махсус механизмлар етишмаслиги сабабли бу хилдаги ремонт ишлари пайсалга солиб келинган эди. Эндиликда биз тез орада кўпчилик биноларнинг панель уланган ён томонларини битум билан ремонт қилиб бўламиз.

Ёзги болалар дам олиш мавсуми бошланишидан олдин ҳовлиларгаги болалар ўйнайдиган ва спорт майдончалари, кичик ҳовузчалар яхшилаб ремонтдан чиқарилди. Чимкент трактидаги тўрт қаватли турар жой биноларининг балконлари эса бир хил намунадаги ойнаванд ромлар билан ромлаб чиқилди.

Турар жой фондини жорий ва капитал ремонт қилиш ишларига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Беш ойлик капитал ремонт ишлари плани 103 процент, жорий ремонт ишлари плани эса 107 процент қилиб бажарилди. «Главташкентстрой»га қарашли 1 ва 2-монтаж бошқармалари ёрдамида кўп қаватли биноларнинг ён томонларидаги панеллар бир-бирига уланган жойларини ремонт қилиш ишлари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Илгари биноларнинг ён томонларини ремонт қилиш бўйича махсус механизмлар етишмаслиги сабабли бу хилдаги ремонт ишлари пайсалга солиб келинган эди. Эндиликда биз тез орада кўпчилик биноларнинг панель уланган ён томонларини битум билан ремонт қилиб бўламиз.

Турар жой кварталларида, ЖЭКларда «Намунали асралаётган уй» номини олиш учун курашаётган биноларнинг сони ортиб боряпти. Ҳозир 10 та уй ана шундай номга эга. 11 та уй коллективи эса бу фахрли ном учун курашмоқда. «Марказ-6» кварталидаги 120 ва 118-уй коллективлари ана шундай ҳар томонлама кўзни қувонтираган яхши асралаётган уйлардан ҳисобланади.

Шу кунларда биноларни қиш мавсумига тайёрлаш ишлари ҳам бошлаб юборилди. 1 июндан бошлаб қишга тайёргарлик ишларига раҳбарлик қилувчи махсус штаб ишлай бошлади.

Амалга оширилаётган бу ишлар халқимиз катта бойлиги бўлган турар жой фондини асраб-авайлаш, ундан фойдаланиш даражасини яхшилаш ва хизмат муддатини оширишга қаратилган.

В. ИОНИН,
Киров район уй-жой бошқармасининг бошлиғи.

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ИУЛИДА

Ҳозирги пайтда шаҳримиз табиат муҳофазаси жамиятининг сафларида 170 мингга яқин табиат ҳаваскорлари меҳнат қилишмоқда. Кўнгилли ёрдамчилар корхоналар ва қурилиш ташкилотларида табиат бойликларини сақлаш борасида кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.

Куни кеча шаҳар табиат муҳофазаси жамиятининг бўлиб ўтган пленумида ана шу ҳақда гапирилди. Жамият президиуми раисининг ўринбосари А. Болтаев табиат дўстларининг ўнинчи беш йилликда амалга ошираётган ишлари якунлари ва навбатдаги вазифалар ҳақида доклад қилди.

Пленумда сўзга чиққан докладчи ва нотиқлар ўлкамиз табиий бойликларини пропаганда қилишда республика Фанлар академиясининг Ботаника боғи, табиат музейи, Тошкент ҳайвонот боғи, қатор мактаблар ва бошқа ташкилотлар диққатга сазовор ишлар олиб боришаётганлигини таъкидлаб ўтишди. Шунингдек, Чилонзор, Ленин, Фрунзе районларининг ободонлаштириш бошқармалари ва табиат жамиятлари ҳамда кўпгина ташкилотлари бу борада арзигулик ишлар олиб боришаётганлиги айтиб ўтилди. Граждан авиацияси бошқармаси, электрон-техника заводи, «Средазгидрохл о п о к» институти, 22-мактаб коллективларининг бошланғич ташкилотлари фаолияти тилга олинди.

тошкент 2 БЕТ. ОҚШОМИ
3 ИЮЛЬ, 1978 й.

МАКТАБ ҚУРИЛИШИ: ТУРЛИ МАНЗАРА

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ШУ ЙИЛ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛАДИГАН МАКТАБ БИНОЛАРИ ҚУРИЛИШИДАН РЕЙДИ.

Иккита мактаб. Уларнинг бирини 1-Қорасув массивида 4-қурилиш трестининг 18-қурилиш бошқармаси, иккинчи мактабни 2-Қорасув массивида 8-қурилиш трести 1-қурилиш-монтаж бошқармаси бинокорлари қуришмоқда. Иккала коллектив ҳам объектлар қурилишини ўтган йили май — июнь ойларида бошлашган. Иккала бинони ҳам бу йил июль ойи охирига қадар битказишни планлаштиришган. Бироқ, ҳозир ишлар ўлда-жўлда. Келинг, объектлар қурилиши билан танишайлик.

1-Қорасув массивидаги 51-мактаб. Бино территориясида ва ички корпуслар қурилишида бинокорлар жадаллик билан ишлашяпти. 18-қурилиш бошқармаси билан биргаликда сантехниклар, электриклар, сувоқчилар, бўёқчилар, ободонлаштирувчилар биргаликда меҳнат қилишмоқда. Бош корпус ва даҳлизларда жилокорлик ишлари тугалланган. Шунинг учун ҳамма спорт зали қурилишида ишлашяпти. Бу ерда ҳам пардоз ишлари қизғин давом этмоқда. Ташқарида ёритгич устунлари ўрнатиляпти. Бульдозерлар, грейдерлар ер текислашмоқда. Мана ҳозир асфальт келтирилади. Ишлар график асосида олиб борилаяпти. Прораб Валерий Андреевич Перегудининг олдига гоҳ бригадирлар, гоҳ ёрдамчи пудратчи ташкилот вакиллари келишиб, маслаҳат сўрашади.

— 1-бўлимда ишни тугалладик. Энди нима қилайлик?

— Иккинчи қаватга электриклар керак!

Валерий уларнинг ҳар бирига тезликда маслаҳат беради. Агар у ёрдам бераолмаса қурилиш бошқармасининг бошлиғи ёки бош инженерига мурожаат қилади. Улар ҳам доим объектда. Прорабни бўш учратиш қийин бўлди.

— Беш кундан сўнг объект фойдаланишга топширилади, —деди у. Ҳозир бу ерда 260 нафар қурувчи меҳнат қиляпти. Мактабни муддатидан бир ой илгари тугаллаш ҳақидаги мажбуриятимизни албатта бажарамиз. Қурувчилар жуда яхши ишлашяпти. Ҳамма мактаб қураётганлигини жуда яхши билади. Бошқармамизнинг Станислав Сенють Пардозлаш трести 34-қурилиш бошқармасининг Ишхон Эзекян, Екатерина Афанасьева, Виктор Адяжин бошлиқ бригадаларининг аъзолари жуда яхши ишлашяпти. 1568 ўқувчига мўлжалланган бу мактабда янги ўқув йилигача барча тайёргарлик ишлари тугалланади.

Мана, энди 2-Қорасув массивидаги мактаб қурилишидамиз. Бу 48-ўрта мактаб ҳам типовой лойиҳа асосида бунёд этилмоқда. Объектда 400 нафар ишчи меҳнат қиляпти. Агар қурилиш ишларининг бориши билан танишсангиз, кишилар билан суҳбатлашсангиз объектни фойдаланишга топширилишига ҳали анча вақт борлигига тушунасиз. Шунга қарамасдан бу ерда махсус тахтачага «Сувоқчилик ишларининг тугалланишига беш кун қолди» деб ёзиб қўйилган. 8-қурилиш трести 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг 4-участкаси бошлиғи Александр Пихтин бу ҳақда шундай деди:

— Албатта ҳаммамиз ҳам бинони белгиланган муддатда топширишга ҳаракат қиламиз. Лекин хоҳишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ёрдамчи пудратчилар ёрдамга келиши керак. Бизни «Газмонтаж» ва 1-Тошкент монтаж бошқармаси электриклари орқага судрашяпти. Аввалига кабель йўқ эди. Кейин уни олиб келдик. Лекин қурувчилар кетиб қолган экан. Бугун эрталаб бош инженеримиз 1-Тошкент монтаж бошқармасига кетган эди. Мана тушлик бўляптики, ундан дарак йўқ.

«Таштрансспецстрой» трести 37-қурилиш бошқармаси территорияни ободонлаштириш ишларини бажара олмаяпти. Сабаби, электриклар ишларини тугаллашмаган. Иш графиги 10 кун кейинга суриляпти. Ҳали қурилиш ишлари битгач, жиҳозларни ўрнатиш, мебелларни ташиш, синф хоналари ва кабинетларни безаш керак.


Вақтнинг ҳар бир дақиқаси жуда қадрлидир. Чунки, у иш сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Буни «Газмонтаж», 1-Тошкент монтаж бошқармаси ва биринчи навбатда 8-қурилиш трести унутмаслиги керак.


Янги массивларда қад кўтараётган мактаблар фарзандларимиз учунгина эмас, ота-оналар учун ҳам қувонч бахш этади. 1 сентябргача янги мактабларда биринчи қўнғироқларнинг чалиниши, болаларнинг шод-ҳуррам бўлиши кўп жиҳатдан қурувчиларга ҳам боғлиқдир. Улар қанча тез ва сифатли меҳнат қилишса, биноларни белгиланган муддатда фойдаланишга топширишга муваффақ бўламиз.

А. БУЛАТОВ,
«Главташкентстрой» 153-қурилиш трести 1-қурилиш бошқармасининг бригада бошлиғи.

А. УСМОНОВ,
159-қурилиш трести 13-қурилиш бошқармасининг ғишт терувчиси.

В. ЛУКОВ,
«Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи мухбири.





СУРАТЛАРДА: 51-мактаб (чапда); Бинонинг фойдаланишга топширилишига бир неча кун қолди.

48-МАКТАБ. (ўнгда); Объектда ана шундай тартибсизликлар мавжуд.

В. Луков фотолари.

• *Меҳнат семестри*

ЧЎЛҚУВАР СТУДЕНТЛАР

Жиззах областининг кўриқдаги хўжаликлари студентлар билан гавжум бўлди. Бу ерга Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти студентларидан қарийб 20 киши— тўртта махсус қишлоқ хўжалик отрядининг аъзолари келишди. Бўлажак инженерлар комбайнлар штурвалларига ўтиришди, улар деҳқонларга машина-механизмларни ремонт қилишда, уни «оқ олтин» йиғим-теримига тайёрлашда ҳам ёрдам берадилар.

Йигит ва қизлар фэъқат меҳнат қилибгина қолмай, улар қишлоқ ёшлари ҳузурида ВЛКСМнинг 60 йиллигига бағишланган лекциялар ўқийдилар, Гавҳарда бўладиган фестиваль ҳақида сўзлаб берадилар, концертлар қўйиб берадилар.

ШАҲАРДА КАНИКУЛЛАР

Бекободда каникулни ўз шаҳарларида ўтказаётган турли ёшдаги болалар отряди ташкил этилди. Бу отрядларга «Машъал», «Тонг», «Сенними, шошмай тур» деган номлар берилган. Улар яхши ва сермазмун дам олишлари учун комсомол ака опалари уларни турар жойларига қараб бирлашишга таклиф қилишди. 150 та отряд тузилди.

Ҳар бир отрядда 15— 20 тедан йигит ва қиз бор.

Шаҳар комсомол комитети ҳузурида махсус штаб ишлай бошлади. Бу штаб болаларга спорт мусобақаларини, турли конкурсларни ўтказишда, спектакллар қўйишда, «СССР—менинг Ватаним» деб номланган экспедицияси походлари маршрутларини тузиб чиқишда ёрдам беради.

Ҳозир ёш бекободликлар ўзига хос конкурсга— кўчалар байрамига тайёрланишмоқда. Улар қайси бир кўчада қувноқ, ўткир зеҳнли, топқир болалар яшашини аниқлашади. Ғолибларга ўқувчилар ўз қўллари билан ясаган турли ёдгорликлар топширилади.

[ЎзТАГ].

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ш. ХОЛДОРОВ: Биз ҳар куни телефон орқали турли шаҳарлар билан гаплашиб турамиз. Лекин шу телефон алоқалари қачон ўрнатилгани ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Ҳурматли редакция! Тошкент билан Москва ўртасида биринчи марта качон телефон алоқаси ўрнатилган? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Ўттизинчи йиллар Тошкент шаҳри ҳаётида кўпгина ноёб қурилиш йиллари бўлди. Масалан, биринчи беш йиллик охирига келиб йирик аэропорт қурилишини айтиш мумкин.

1931 йил декабрь ойи Тошкент шаҳри тарихининг солномасида ажойиб саҳифа бўлиб қолди: шу ойда республикамиз пойтахти билан Москва ўртасида телефон алоқаси ўрнатилди.

1932 йил март ойи ҳам шаҳримиз тарихи зарварақларига битилди. Ўша ойда мамлакатимизда энг такомиллашган автомат-телефон станциялардан бири бунёд этилди.

* * *

А. АБРОРОВ: Мен иккинчи синфга ўтган, лекин жуссаси анча кичик ўғлим билан «Болалар дунёси» магазинига бориб, болалар аравачаси харид қилдим-да метрога тушдим. Мен ўзимга пул тўлаб, ўғлим билан ўтиб кетаётган эдим, тўхтатишди. Ўғлимга ва аравачага ҳақ тўлашни талаб қилишди. Шу тўғримі?

Жавоб: «Тошкент шаҳрида жамоат тартиби, ободонлаштириш ва санитария қоидалари»нинг «Метрополитендан фойдаланиш қоидалари»да шундай деб ёзиб қўйилган: «Чанғи, болалар велосипеди, чана, болалар аравачаси, музика асбоблари ва кичик ҳажмдаги бог анжомлари учун ҳақ олинмайди. Йўловчи ўзи билан 7 ёшгача бўлган битта болани бепул олиб юриши мумкин». Демак, Сиз аравачага ҳақ тўламай тўғри қилибсиз-у лекин етти ёшдан ошган ўғилчангизга метро ҳақини тўламай чакки қилгансиз.

* * *

П. САИДАКБАРОВА: Машҳур ишчи Шоира Ҳолмуҳамедова ҳақида кинофильм яратилибди, деб эшитдик. Шу фильм номи, унинг муаллифлари ҳақида маълумот билдирсангиз.

Жавоб: Тўғри. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Шоира Ҳолмуҳамедова ҳақида «Шоиранинг икки беш йиллиги» ҳужжатли кинофильми суратга олинган. Унинг муаллифлари журналист С. Татур, режиссёр Б. Мамажоновлардир.

Бу ҳужжатли фильм «Малика» ва Львовдаги трикотаж бирлашмалари ишчилари ўртасидаги мусобақа ҳақида ҳикоя қилади.

КЎЧА ТАҲДИДЛАРГА ТЎЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Лутфулла Абдуллаевич Қодиров Қуйбишев район ошхоналар трестининг 18-ошхонасида ошпаз. У шу йил январда автомобилни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган эди. Л. Қодиров мавжуд қоидани бузиб, яна автомобиль ҳайдай бошлади. У Якуб Колас кўчасида келаётиб атроф-муҳитга эътиборсизлик билан қаради ва гражданка А. Королевани уриб йиқитди. Шундан кейин машина дарбозага урилди. Л. Қодиров бу ҳақда Давлат автоинспекциясини хабардор этмай, воқеа содир бўлган жойдан ғойиб бўлди.

Энди қоидабузар тўғрисидаги материаллар Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси Давлат автоинспекциясининг маъмурий комиссиясида кўрилади.

Китобхон китоб ҳақида

ТОНГ ҚЎШИҒИ

Шоир Шамси Одил, — деб ёзади филология фанлари кандидати, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Барот Бойқобилов китобга ёзган сўз бошисида — янги шеърий китобини «Тонгдаги ўйлар» деб атабди. Бунда шоирнинг турли йилларда ёзилган шеърлари жамланган. Шоирнинг Коммунистик партия ва она-Ватан, замона ва инсон, давр ва ҳаёт, ёшлик ва севги ҳақидаги ўй ва мулоҳазалари китобхон қалбига илиқ туйғу, орзу-истакларига қанот бахш этар деган умиддаман...

Дарҳақиқат, шундай. Тонглар қўшиғидан иборат бу шеърлар билан танишганда киши кўнглини илиқ туйғулар қамраб олади.

А. ЖЎРАЕВ.

Мана, тонг ёришар, оламдир равшан
Қуёш жилосига тўлмишдир хонам.
Соз байтлар туғилди, дилим нурафшон
«Тонгги ўйлар» бўлди шеърга сарлавҳам.

Шоир Шамси Одил шундай жўшқин шеърлари билан муссаффо тонгларни куйлайди. У, яқиндагина «Ёш гвардия» нашриёти томонидан чоп этилган шеърлар тўпламини бежиз «Тонгдаги ўйлар» деб атамаган. «Қайнар булоқ», «Икки лола», «Истак» каби қатор шеърий китоблари билан кўпдан шеърхонларга таниш бўлган Ш. Одилнинг янги шеърлари моҳият-эътибори билан она юрт мадҳидан иборат. Ҳар бир шоир бу муқаддас мавзуни ўзига хос йўсинда куйга солади. Ш. Одилнинг «Зарафшон қасидаси»да:

Кўринадн оқшом осмон қатида
Парпираган Улуғбекнинг сиймоси,—

деган сатрлар бор. Шоир бугунги нурафшон ҳаёт замирида авлодлар ҳиссасини кўради ва улуғлайди.

Тўғри, минг йил знёд тарих ўртада,
«Беруний» деб номлаб шаҳар остини,
Ҳайкал қурди юртим қадим Ўрдада
Олим тиклаб турар, бўй-бастини, —

дея Берунийдек улуғ алломанинг минг йиллардан сўнг совет замонида ўз шарафига эришганини, булар ҳаммаси социалистик ҳаёт шарофати эканлиги куйланади. Худди шундай мамнуниятни Ш. Одилнинг «Усмон Носирга» шеърида ҳам кўриш мумкин. Ш. Одил шоирга қарата дейди:

Шоир — номинг ҳурматда,
Улуғ чертар олтин созинг,
Қўшиқларинг ҳам хизматда!

Шамси Одилнинг ўзига хос, Ватанга фарзандлик меҳри жўш уриб турган «Тошкент фонтани», «Андижон саболари», «Чотқол», «Бобомнинг тути», «Иссиқ кўл» каби шеърлари ҳам шеърхонда илиқ таассурот қолдиради. Шамси Одил шеъриятнинг азалий мавзуларида қалам тебратади:

— Падаринг ким!
Десалар,— дедим Ленин.
Устозинг ким!
Десалар,— дедим Ленин.
Тошда ундинг билмай завол саллона.
— Богбонинг ким!
Десалар,— дедим— Ленин.

Бу шеърларга, уларнинг қаҳрамонларига хос хислатларга қараб туриб биз қаҳрамон характерига хос хусусиятларнинг ҳаётий илдизларини кўрамиз.

ГАЗЕТХОН ИЛҲОМЛАРИ

ШИНГИЛ ҲИКОЯЛАР

Ҳаёт йўли

Тонг бўзара бошлади. Тераклар учида кўшнинг заррин нурлари ўйнаётир. Шу чоғ қишлоғимиз четидаги чимтол яланғочини кесиб ўтган сўқмоқ йўлда эшак минган беш-олти қария пайдо бўлди. Уларнинг маъюс тебранишлари қўшни қишлоққа-тазъияга боришаётганларидан далолат берар эди.

Бир оздан сўнг елкаларига кетмон қўйган қиз-жувонлар сўқмоқдан ўта бошлади. Сўнг, ёлғиз оёқ йўлни тўлдириб, қий-чув, бақир-чақир билан ўқувчилар: оппоқ фартуг кийган қизчалар, ғалвон галстук тақкан ўсмирлар...

Кишилар ўз ташвишлари билан сўқмоқ йўлни тўлдириб, гоҳ у ён, гоҳ бу ён ўтишгани-ўтишган. Бўлмаса, қишлоқ кўчасига яқиндагина асфальт ётқиздилар. Ралон, кенг йўл. Бироқ негадир.., Ҳа, қишлоғимизнинг не-не сулувларининг кечалар суюклиси ҳузурига ошиқишларига, не-не ошиқларнинг висоли-ю, оҳ-воҳига, не-не қизларнинг пинҳоний дарди-сирларидан огоҳ бу сўқмоқ!..

Ана, сўқмоқ йўлдан мункайган кампир ўта бошлади. Ортида невараси пилдираганича ўриниб-сурниб келмоқда. Эҳтимол, бувининг сўнгги бора, болакайнинг илк юришидир, бу сўқмоқдан. Назаримда, ҳаёт оқарганча тўшалиб ётган шу сўқмоқ йўлга ўхшаб кетади.

Саратон

Кўклам келиши билан атроф яшнаб кетди. Чўққиларини қор босиб ётган тогдан эриб тушадиган сой ҳам тўлиб-тошиб оқа бошлади.

Болалар «той-той» ўйнаб, сўнг сувга ирғитишганми, бир тол чивиғи ҳам тўлқинда қалқиб-қалқиб келмоқда. Ниҳоят, у сой қайрилиб оққан муюлишда лойқага тиқилганича туриб қолди...

Кунлар ўтиши билан у ям-яшил япроқ ёзиб, каддини тиклаб олди. Шишадай тиниқ осмонга бўй чўза бошлади...

Саратоннинг жазирама кунлари бошланди. Ўт-ўланлар қовжираб қурирди.

Бағри куйиб, ёнаётган ер ҳорғин оҳ уради!

— Су-ув!

Кўкатлар, ёнтоғ-у ҳатто шувоқлар ҳам ҳансираб энтикишди:

— Су-ув, су-ув!..

Томирларини муздайгина сувга тиққанча тани яйраб ўсаётган толгина нидо келган ёқларга ҳайрон боқди:

— Мана сув, намунча оҳ чекмасанглар? Ҳаво ҳам у қадар иссиқ эмас-ку!..

Йиллар ўтди. Сой ўзанини ўзгартиб, борган сари толдан йироқлашди.

Яна қайноқ ёз келди. Жазирамадан борлиқ лоҳас бўлди. Толнинг томирлари сингган ер оппоқ оқариб, қақраб кетди. Унинг япроқларининг ҳам суви қочиб, тараңглашди. Тирсиллаган ялтироқ шохчалар қуруқшай бошлади. Шунда тол ҳам беихтиёр ҳансираб-ҳансираб: «сув» дея бошлади.

Саратон қўёши эса борлиқни тандирдай қиздирар эди.

Қурдош ҚАҲРАМОНОВ.

• *Янги шеърлар*

Оппоқ оҳанг

Кўкда булут енгил сузар
Мисли хаёл, мисли хаёл.
Момиқ-момиқ мисра тузар
Деҳқон аёл, деҳқон аёл.
Мисрасида жилва қилар
Соҳиб жамол, соҳиб жамол.
Ҳадсиз дала унга тилар
Боқий камол, боқий камол.
Ингилгуси оппоқ оҳанг
Мисқол-мисқол, мисқол-мисқол.
Дўст тутинар қолиб жаранг.
Кулар иқбол, кулар иқбол.
Мисралар ҳам кўкни такрор
Қилар ишғол, қилар ишғол.
Кумуш ранглар турнақатор—
Юртга тимсол, юртга тимсол.
Кўкда булут сузар шодон
Пахта мисол, пахта мисол.
Осмон билан Ўзбекистон
Айлар висол, айлар висол.

Кимса

Кеча кечди, кечмоқда бугун,
Эртанинг ҳам кечмоғи ҳақдир.
Бугун кеча бўлмоғи учун
Эрта бугун бўлмоғи нақддир.
Кимдир кечди, кечмоқда бугун,
Барчанинг ҳам кечмоғи тайин.
Лекин кимнинг кечмоғи учун
Кимдир ўздан кечар атайин.

Низомиддин МАҲМУДОВ.

Ёлғизлик

Аёзли тун. Якка ўраман.
Ҳамоҳангним самода юлдуз.
Гохо маъюс қараб тураман
Хаёлимда ёлғиз ўша қиз.
Юлдузлар мўл, юлдузлар қатор
Вужудимни кўйга тўйдирар.
Ўшаларнинг ичида, бахат—
Битта юлдуз мени кўйдирар.
Узоқда у, столмайман ҳеч,
Элас-элас учиб турибди.
Кимларнингдир кўйида у ҳам,
Балким илҳақ бўлиб юрибди.
Аёзли тун. Якқаш ўраман.
У назарга мени илмайди.
Бу ошифта кўнглимда эса,
Ўзга юлдуз порлаб кулмайди.

«Бугун ойни забт этди инсон»

Бугун ойни забт этди инсон,
Сайёралар кафтда турибди.
Самовотнинг сирларин очиб,
Ундан ҳаёт излаб юрибди.
Тўрт томонга қўл чўзди инсон,
Унга магриб машриқ бир қадам.
Қаранг энди бу кун коинот,
Инсонларга этмоқда карам.
Инсон ернинг қаърига кириб,
Ундан дуру— маъданлар олди.
Бу заминнинг ўзлигини очиб,
Инсон ўзини йўлига солди.
Балки унинг қўлида ҳали
Коинот ҳам бўлар бир узук.
Лек бировлар инсон қалбига
Йўл тополмай юришн қизиқ.

Тўра НОРМАТОВ.

Олис йўлда

Олис йўлга от елдириб кетмоқдасан ёр,
Тушган йўлинг кўп хатарли, бўлгинак хушёр.
Ҳув изингдан келаётган дўстинг ё агар...
Мени ўртар: гавҳар тошни ерга урсалар,
Мени ўртар: бир яхшини янчиб ўтсалар.

Саломат ИҲЛДОШЕВА.

Дилдор кел

Кўнглим равшан этгали моҳи санам гулзор кел.
Лола янглиғ гул юзинг қоши қалам дилдор кел.
Буркатиб бўйи атир бирда дилим гуфтор қил.
Токи хуш бўлсин димоғим боянам зинҳор кел.
Қоматинг узра хату болу лабинг хандон қил,
Қадру қиммат меҳру шафқат кетмасун чандон қил
Дилни рашкини ёқиб илҳом йўлин равон қил.
Кўзларимга нур бериб, мисли парн— хандон кил.

Султон РАСУЛИЙ.
ишчи.


Мангу олов ёнида

Солдат йиқилди душман ўқидан.
Кўксини ушлаб уҳ-дея олди.
Уйида унинг бор-у, йўғидан
На ёр, на диёр бохабар қолди.
Йиллар ўтаверди йиллар кетидан,
Солдат қабри бунда тамом қолди.
Тўкилган томчи қон ер бетида
Неча минг мангу олов ёқолди...

Тўртлик

Кичик бир нон увоқ шунчалар оғир,
Мушкулдир орқалаб кетмоқ бемеҳнат.
Думалар чумоли, елкаси яғир
Етгунча жойига, о, бу не заҳмат!

Аҳмаджон ЛУҚМОНОВ.



Қорақалпоғистон АССРнинг пойтахти Нукус шаҳри муҳта шам бинолар билан чирой очиб бормоқда. Бу ерда янги кино-театр биноси яқинда санъат мухлисларига ўз эшигина очди. Мингдан знёд томошабинга мўлжалланган бу кинотеатр қорақалпоқ шоири Бердақ номи билан аталди. Кошонанинг ички кўринишидаги безакларни хивалик ганч ўймакорлиги устаси Бува ака Бобожонов ўз ҳамкасблари билан бажарган.

СУРАТДА: 1. Бердақ номли кинотеатрнинг олд томондан кўриниши. 2. Кинотеатрнинг ички нақшин безаклари.

Ҳ. Шодиев фотолари.

Жаҳон ойнаси

Ҳаво шарн парчаси

ДЕҲЛИ. Биласпур шаҳри (Ҳимачал Прадеш штати) яқинида ҳаво шарининг парчалари топилди. Шарнинг корзинасида Хитойда босилган материаллар, брошюралар, Мао Цзэ-Дуннинг портретлари билан бирга радиопередатчик ҳам бор. Бу нарсалар Ҳиндистон полицияси қўлига топширилди. Маълумки, Хитой Ҳиндистонга ўз агентларини юбориб туришидан ташқари Ҳиндистоннинг бирқанча штатларидаги сепаратчилик ҳаракатларини, биринчи навбатда нагаленд ва мизорамдаги сепаратчилик ҳаракатларини қўллаб-қувватламоқда. Исёнчиларни ўргатиш учун Хитой территориясида диверсия базалари очилган.

Ҳаво шаридаги ана шу «посилка» Ҳиндистондаги Хитой агентларига аталганлиги очиқ-равшан гап.

Қоракўл қўйлар

ДЕҲЛИ. Бундан уч йил аввал Совет Ўрта Осиёсидан Ҳиндистонга қоракўл қўй зотлари келтирилганди. Қўйлар Ҳиндистоннинг чўл ва қуруқ районларидаги ҳаёт шароитларига осонгина мослашиб қўзилай бошлади. Шундай қилиб, Ҳиндистоннинг чорвачилигида янги бир даромадли тармоқ— қоракўлчилик пайдо бўлди.

Жайпурдаги (Ражастхан штати) жун ва қўйчилик марказий илмий-тадқиқот институти Ҳиндистон учун янги қўй зотларини иқлимлаштиришда катта ёрдам кўрсатди. Олимлар қоракўл зот қўйларини маҳаллий зотлар билан чатиштириш методларидан фойдаланиб, гоят хилма-хил, янги сермаҳсул зотларни вужудга келтирдилар.

Ҳозир Биканер ва Каргиладаги икки катта давлат фермаларида юзлаб зотли қоракўл қўйлари етиштирилмоқда.

Асосан СССР, Эрон, Афғонистон етиштириб бераётган қоракўл терилар жаҳон бозорида қиммат баҳода сотилмоқда.

ИҒВОГАРЛИК МАҚСАДИДА

ХАНОЙ. Ханой радиоси Ғарб информация агентликларининг, шу жумладан «Америка овози» радиостанциясининг гўё 70—80 минг кишидан иборат Вьетнам қўшинлари Кампучия чегарасидан ўтдилар ва 60 километр ичкарига қараб кирдилар, деган ахборотини тамомила ёлғон хабар деб расмий равишда рад этди.

Фактлар тамомила бошқача, дейилади Ханой радиосининг эшиттиришида. Кампучия қўшинларининг йирик кучлари кейинги бир неча кун мобайнида Вьетнамнинг Тэйнинь, Лонган, Анзянг ва бошқа вилоятлари территориясига бир неча марта бостириб кирдилар, тинч аҳолига жиноятқорона ҳужум қилдилар. Баъзи жойларда кампучияликлар Вьетнам территориясига 10 километргача ичкари кирдилар. Бу қўшинлар баъзи районларда кечаги кунгача Вьетнам территориясида бўлдилар. Вьетнам қуролли кучлари бостириб кирган Кампучия қўшинларига зарба бериб, уларни чекинишга мажбур қилмоқда. Жанглар давомида Кампучиянинг юзлаб солдатлари ва офицерлари сафдан чиқарилди, асирлар, қуролярог ва аслаҳалар қўлга олинди.

Кинофестиваль муваффақияти

ИСЛОМОБОД. Покистонда чиқадиган «Нью-таймс» газетаси қуйидагиларни ёзади: Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг «Тинчлик, инктимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» шиори остида ўтган бешинчи Тошкент халқаро кинофестивали ёш давлатларнинг кино санъати тоборо етук санъатга айланиб бораётганлигини намойиш қилди.

Шу анжуман катнашчиларининг кўпчилиги ўз мамлакатлари каби ёш бўлсаларда, лекин улар санъатда ўз йўлларини — тараққиётга хизмат қилиш йўлини аллақачон танлаб олишган.

Газета шуни таъкидлайдики, Тошкентда намойиш қилинган фильмларнинг ҳаммаси реализм, ватанпарварлик ғоялари билан суғорилган бўлиб, уларда миллий санъатга хос хусусиятлар албатта мавжуд эди. Жазоир ва Суриядан, Перу ва Габондан, Ирок ва қахрамон Вьетнамдан келтирилган киноленталар шулар жумласидандир.

Ана шундай ҳар бир фестиваль муаллиф билан томошабин ўртасидаги мулоқат, жаҳоннинг келажагини муҳокама қилиш демакдир, деб таъкидлайди «Нью таймс» газетаси.



Венесуэлаликлар ўз мамлакатининг пойтахти Каракасни йилнинг фаслисиз шаҳар деб атайдилар. Бу ерда қишу ёзда, баҳору кузда бутун борлиқ яшил либосга ўралиб ётади.

Каракас сўзининг асл маъноси «Сайроқи қушлар водийси» деган маънони англатади.

Ҳозирги пайтда Каракасда мамлакат аҳолисининг 20 процентлардан ортиғи истиқомат қилмоқда.

СУРАТДА: Каракас кўчаларидан бирида.

ТАСС фотохроникаси.

Рўмолча

(НОВЕЛЛА)

Шимимни дазмолсиз киймасам-да, барибир тўпори тенгқурларимга бас келолмадим. Улар аллақачоноқ синфимиздаги сира қизларни «эгаллаб» олишганди. Кишига алам қиладигани шу эди-ки. Фармон пучуққа ўхшаганлар «ўнинчи «б»даги Мийлинор бизники!» деб керилиб юрарди-ю, менга ўхшаган нимжонлар ҳалиги ҳушрўй санамга кўз қирини ташлагудай бўлса, бошида таёқ синарди... Мийлинор эса пучуққа қиё ҳам боқмасди. Дунё экан-да.

Синфимизда Рокия деган қиз бўларди. Унинг юзлари чиройли эди-ю, фақат совуқ бир жиддият йўқ эмасди. Кишига зинғил солиб қарарди. Шу қизнинг кулганини хечам кўрмаганман. Шукур деган сап-сариқ, хомсемиз синфдошимиз уни севиб қолибди! Айтсам, ишонмайсиз. Ҳалиги иккови худди ҳайкалдай бир-бирига қадалиб қарайди-да. ўтиради. Шу ҳам гап бўлди-ю. Яна бу акамлар бизга ўхшаганларни назарига ҳам илмайди. «Сен ҳам юрибсанда» дегандай қараб қўяди. Синфда йигитларнинг ўзи қолди, дегунча, бир-бирига гал бермай яхши кўрган қизлари-ю. улар тикиб берган рўмолча, неча олган мактуби ҳақида тўлиб-тошиб мақтана бошлашади. Мен худди эртак тинглаётгандай. жимгина эшитиб ўтираверараман. Очити, шундай пайтларда уларга бирам ҳавасим келади-ки, асти қўяверинг!

Мен бечоранинг танлаган қизим ҳам йўқ. Танлаш-ку нари турсин. қизлар билан тик келиб қолсам. ўзимни йўқотиб, тилим калимага келмай қолади.

Бир куни мактабдан келиб, хуноб бўлиб молхонани тозалаётгандим, қўшнимизнинг қизи Санобар китоб кўтариб кириб келди. У тез-тез бизникига чиқиб турар, шунинг учун ҳам уйдагилар Санобарни менга такаб, жигимга тегишарди. Акамларнинг бу тегажакликларига хўмрайиб, аламимни ичимга ютардим. Санобар «Ўгри» тишини кўрсатиб тиржайдида:

— Суюнчи берсанг, сенга бир нима бераман — деди.

Шундай демаганда ҳозироқ олдимга солиб қувган бўлардим! Дунёда энг жиним суймаган одам—мана шу — Санобар бўлади. Бирда ярим шайтон уриб кетган шекилли, унинг тиржайишини қаранг! Товба-а.

Ғазабим қайнаб турган бўлса-да, «бир нима бераман» деганига қизиқсиниб ўзимни босдим.

— Олдин кўрсат, нима ўзи?

— Ҳе-е. олдин сунончини чўз!

Мен индамадим. Нима ҳам дердим. Унга бир қараб қўйдим-да яна ишга овундим.

— Ҳей, ма! Сендан қайси, қачон ёруглик чиққан эди-ки, энди чиқсин?!

Шуни деб, у менга китобининг ичидан чиройли рўмолча олиб узатди. Мен ҳайратдан қотиб қолгандим. Рўмолча шундай баланд дид билан тикилган эдики, гўё нафис матоҳга атир гул ғунчаси ўраб қўйилгандек. Унинг бир зийнда чиройли қилиб «М» дан «С»га дея битиб қўйилган эди.

Рўмолчага маҳлиё бўлиб турганимда Санобар кетиб қолган экан. Ажабо, «М» ким бўлди ўзи? Ахир, синфимизнинг ўзида исм «М» билан бошланувчи учта қиз бор. Қайси бири экан у? Дарвоқе уччаласини ҳам «эгаси» бор-ку.

Хуллас, қанча ўйламай, аниқлаёлмадим.

Кечқурунлари ҳамма ухлаганда «М»нинг рўмолчасини бекитган жойимдан олиб чиқиб ой нурида кўраман, ундан аниқ турган райҳон ҳидидан тўйиб-тўйиб ҳидлайман. Ойдин кечалар серюлдуз фалакка термулиб ётганда у ҳақда тўлиб-тошиб ўйлайман. Бирда унинг кимлигини Санобардан сўрамоқчи бўлдим. Мени кўриши билан у бемаъниларча илжайди-ю, бутунлай ҳафсалам пир бўлди. Шу орада сўнгги имтиҳонларни ҳам топширдик. Сўнг Тошкентга, ўқишга жўнадиг-у, ҳаммаси ёрилмаган ярадай. юрагимда дард бўлиб қолаверди. Мактабдош учйигит бир хонада ижара турамиз. «Б» синфни тугатган Аҳмад билан синфдошим Мансур қишлоқ хўжалик институтига топширди. Мен университетнинг филологиясига...

Ўқишга кириш осонми? Имтиҳонлар яқинлашган сари юрагим пўкиларди. Ниҳоят, дастлабки имтиҳон етиб келди. Мен ҳеч қачон бунчалар ҳаприқмаганман. Институт биносига кирдик. Ҳадемай имтиҳон бошланди. Болаларнинг япроқдай титраб туришини кўриб, кишининг юраги орқага тортиб кетади. Биринчи имтиҳондан яхши ўтдим. Кейингилари ҳам ёмон бўлмади. албатта. Лекин, биласизми борган сари нечундир руҳим тушиб. таъбим хира бўлиб бораётган эди. Айниқса ҳамхона болалар имтиҳонлардан қайтишгач яшаётган хонамиз шу қадар ҳувиллаб қолди-ки, кўчага чиққанимда қайтиб киришга юрагим бизиллар эди. «Одам одам билан тирик, одам одамга суянч» деганлари шу бўлса керак-да!

Учинчи имтиҳон арафасида шу қадар ҳафсалам пир бўлиб кетди-ки, ҳозир эсласам ўзим ҳам ажабланаман. Нима бўлса ҳам бу имтиҳондан ўтдим. Кейингиси энди... нима десам экан?!. Ҳуллас. назаримда «бўлмайдиган»дек эди. Ёлғизлик ва тугилган жойимни қўмсаш юрагимни қон қилиб юборган эди.

Тўртинчи имтиҳон ҳам одатдагидек тўртинчи қаватда бўлди. Мен дераза олдида титраб турибман. Тўғри. инглиз тилини яхши билар эдим. Лекин ҳеч ниманинг «қизиғи» қолмаган эди. Ўқишга киришдан бутунлай умид узгай. Шундай қилиб... Бўшашганимча дераза олдида турган эдим. пастда— институт ҳовлисида гул-гул очилиб турган тўртта қизга кўзим тушди. Кўзим тушди-ю, юрагим «жиз» этиб кетди. Улар ҳамкишлоқларим эди. Чамаси, шу институтга кираётган синфдошим Ҳалимани қоралаб келишган чоғи. Ана у— Мийлинор...

Шу қизни кўрсам ҳамиша мен ғалати бўлиб кетаман. Мана, у ялт этиб менга қарди. Гижимланган рўмолчаси билан пешонасини артди-да, дугоналарига алланима деди. Қизлар менга томон қараш-ди. Алланечук имо-ишоралар қилишди. Жилмайишди. Мийлинор рўмолчасини силкиди. Тилло топган гадолай юрагим гупириб кетади. Бу худди ўша— менинг рўмолчамнинг худди ўзгинаси эди!

Ажабо, нега мен ўшанда — рўмолчани олгач, ундаги ёзувни кўриб «ахтимол. Мийлинордир», деган хаёлга бормадим. Балки, кўнглимда шунга ишонч бўлмагандир? Ҳозир, шу тобда—дилимда истаб, ардоқлаб юрганим — Мийлинор эканлиги равшанлашгандай. Мана, ёноқларини рўмолча билан сидиряпти. Ҳа, бу менданги рўмолчанинг худди ўзгинаси. Ҳатто. бир хил матоҳдан тикилган. Секин чўнтагимдаги рўмолчани қўлимга оламан: қўлимни куйдириб юбораётгандек. юрагимга умид ва ишонч бахш этаётгандек! Назаримда, имтиҳондангина эмас, ҳаётнинг улуғ довоналаридан ошиб ўтишга ҳам қодирдек эдим.

Мирзаўлат ТОШПЎЛАТОВ.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

ТАКСИЛАР РАНГИ ЎЗГАРТИРИЛАДИМИ?

Мамлакатимизнинг баъзи шаҳарларида тўқ зарғалдоқ рангли таксилар пайдо бўлди. Шу кунга қадар Горький автомобиль заводи ана шу мақсадлар учун машиналарни оч яшил рангда чиқарар эди. Анъанавий катакчалар оқ, кулранг ёки қора машиналарга камдан-кам қўйиларди.

— Ҳозирча янги рангли машиналарнинг бир неча юзтасигина конвейердан тушди, — дейди Горький автомобиль заводи ишлаб чиқариш директори. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Сафонов. — Лак-бўёқ саноатининг янгиликларидан бири — зарғалдоқ рангли бўёқнинг бир туркумини олдик ва шу бўёқни ишлатиб кўришга қарор қилдик. Заводимизга ёзиб юборилган фикр-мулоҳазалар ҳам таксилар рангини ўзгартириш кераклигини билдиради.

Ҳақиқатдан ҳам, зарғалдоқ ранг энг хавфсиз ранглардан биридир. Бу рангни кундузи ҳам, гира-ширада ҳам жуда яхши ажратиш мумкин. Буни мутахассисларнинг тадқиқотлари исботлаб берди. Зарғалдоқ ранг нимчалар бутун дунёдаги йўл хизмати ходимларининг коржомасига айланган бежиз эмас. Ёркин рангларда автомобиллар шаҳар магистралларига ҳам анча зеб беради.

Бу йил Горький автомобилсозлари Ярославль химиклари билан Иттифоқда машиналарни жуда хилма-хил рангга бўямоқдалар. Зарғалдоқ рангли машиналардан ташқари. конвейердан яшил, қизил, оч сариқ рангдаги «Волга»лар тушмоқда.

(ТАСС).

Редактор ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

3 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

3 ИЮЛЬ, 1978 й.

«ЭЛЕКТРОНИКА» МАРКАЛИ МИКРОКАЛЬКУЛЯТОРЛАР


— бу, электрон техника ҳамда микроэлектроника ҳозирги замон ютуғининг ёрқин тимсолидир;

— бу, корхона бухгалтерлари, раҳбарларининг, инженерлар, экономистлар, планлаштирувчиларнинг, шунингдек, техника олий ўқув юртлари студентларининг бебаҳо ёрдамчиларидир;

—бу бирмунча мураккаб ҳисоблаш жараёнларини, жумладан: логарифм ва антилогарифмларни ҳисоблаш, сонларни илдиздан чиқариш, ҳар қандай сонларнинг бевосита даражаларини ҳисоблаш ҳамда тескари ҳажмни ҳисоблаш каби жараёнларни бажариш демакдир.

Микрокалькуляторлар юқори даражада тезликда ишлайди ва чидамлидир, енгилгина ва қувватни кам талаб қилади. У аккумуляторлар ва электр тармоғидан ишлайди.

«БЗ-09», «БЗ-14», «БЗ-14 М», «БЗ-18», «БЗ-18 А», «ЭПОС-73», «ЭПОС-73 А» маркали «ЭЛЕКТРОНИКА» МИКРОКАЛЬКУЛЯТОРЛАРНИ СИЗ ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИНИНГ ИККИНЧИ ҚАВАТИДА ЖОЙЛАШГАН ҚАЛАМ-ДАФТАР БЎЛИМИДАН ҲАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.



Микрокалькуляторларнинг баҳоси — 70 сўмдан то 440 сўмгача.

«Техсложбитприбор» шаҳар бирлашмаси уларни кафолатли ремонт қилиб беради (Весна кўчаси, 223-уй).

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

«РАДИО ВА МУЗИКА УЙИ» ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Агар сиз, янги телевизор харид қилмоқчи бўлсангиз, эски радио-приёмник, транзистор, магнитофонни янгисига, бирмунча такомиллашган моделдагисига алмаштирмоқчи бўлсангиз

ЯХШИСИ БУНИ «РАДИО ВА МУЗИКА УЙИ»ДА АМАЛГА ОШИРИШИНГИЗ МУМКИН

У «ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН 40-МАГАЗИНИГА ЖОЙЛАШГАН.

БУ ЕРДА ҲАР КУНИ ҚУЙИДАГИЛАР БОР.

«МЕЛОДИЯ—101» (Рига). Баҳоси—295 сўм, «ВЕГА — 312», «ВИКТОРИЯ — 001» стереофоник радиолалари.

РАДИОЛАЛАР:

«МЕЛОДИЯ — 102» (Рига). Баҳоси 190 — сўм.
«УРАЛ — 112». Баҳоси — 141 сўм.
«СИРИУС». Баҳоси — 92 сўм.

ОҚ-ҚОРА ТАСВИРЛИ ТЕЛЕВИЗОРЛАР:

«ГОРИЗОНТ — 206». Баҳоси — 296 сўм.
«ГОРИЗОНТ—107». Баҳоси —400 сўм.
«ТАУРАС—210». Баҳоси—296 сўм.
«ИЗУМРУД—208». Баҳоси — 296 сўм.
«СЛАВУТИЧ — 217». Баҳоси — 296 сўм.
«РЕКОРД — 338». Баҳоси — 200 сўм.
«ЭЛЕКТРОН». Баҳоси — 316 сўм.
«КАСКАД—205». Баҳоси— 296 сўм.
«ЧАЙКА — 207». Баҳоси — 296 сўм.

МАГНИТОФОНЛАР:

«ТОНИКА — 310». Баҳоси — 272 сўм.
«СПУТНИК — 2-103». Баҳоси — 135 сўм.

Ватанимизда ишлаб чиқарилган транзисторли приёмникларнинг баҳоси 27 сўмдан 100 сўмгача.

МУЗИКА БЎЛИМИДА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:


етти торли гитара. Баҳоси — 17 сўм 30 тийин.
электр гитара. Баҳоси —33 сўмдан 212 сўмгача.
виолончеллар, скрипкалар, аккордеонлар, балалайкалар, саксофонлар;
«ЮНОСТЬ», «СТАРТ», «ЭТЮД», «РУБИН» баянлари.
АЛЬТ, ПРИМА, БАС БАЯНЛАР КОМПЛЕКТИ.
«ЧАЙКА», «БЕЛОРУСЬ» гармонлари.

ПИАНИНОЛАР:

«ДРУЖБА». Баҳоси — 550 сўм;
«БЕЛОРУСЬ». Баҳоси — 675 сўм.
«ЛАСТОЧКА». Баҳоси — 575 сўм.
«ГВЕРДА». Баҳоси — 675 сўм.

Пианино ёнига қўйиладиган стул. Баҳоси — 18 сўм 50 тийиндан то 41 сўмгача.

Бу товарларни пул ўтказиш йўли билан ва нақд пулга ҳамда кредитга харид қилиш мумкин.



«РАДИО ВА МУЗИКА УЙИ» Халқлар дўстлиги проспекти, 4-уйда жойлашган (Чилонзор массиви, 5-квартал). Иш вақтлари соат 10.00 дан 19.00 гача. Танаффус—14.00 дан 15.00 гача. Дам олиш куни — душанба.

«РАДИО ВА МУЗИКА УЙИ»ГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ».
«УЗТОРГРЕКЛАМА» теплопрессагентлиги.

ЁЗ. МИКРОИҚЛИМ. КОНДИЦИОНЕР

ЁЗНИНГ ЭНГ ИССИҚ КУНЛАРИДА «БК—1500» РЎЗҒОР КОНДИЦИОНЕРИ ХИЗМАТ ХОНАЛАРИДА ВА КВАРТИРАЛАРДА САЛҚИНЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.

Кондиционер ёрдамида хонадаги ҳарорат 8—10 градусга пасаяди ва у автоматик равишда сақлаб турилади, хона ҳавоси чангдан тозаланади.

«Вентиляция» ҳолатида ташқаридан соф ҳавонинг кириши таъминланади.

«БК-1500» кондиционернинг модели ротацион типдаги компрессор билан жиҳозланган. Ана шу тариқа кондиционер шовқинсиз ишлайди.

Шовқинининг камайишига, шунингдек пластмассадан ясалган корпус ҳам имкон беради.

Кондиционер кўп жой эгалламайди, замонавий жиҳозланган ва квартиранинг умумий ҳолатига яхши ўтиришади.

«БК—1500» кондиционери электр тармоғидан 220 вольт кучланишда ишлайди.

Рўзғор кондиционери тайёрлаб чиқараётган Боку заводи уларнинг магазиндан харид қилинган кундан бошлаб 2 йил мобайнида бузилмай ишлашига кафолат беради.

«БК-1500» рўзғор кондиционери Давлат Сифат белгисига сазовор бўлган. Унинг монтаж қурилмаси билан биргаликдаги баҳоси — 442 сўм 30 тийин.

«БК—1500» кондиционерини барча савдо марказларда ва ихтисослаштирилган магазинлардан нақд пулга ва кредитга сотиб олиш мумкин.

Завод ателъесининг малакали мутахассислари кондиционерни дераза ромига тез ўрнатиб берадилар.

Кондиционерни ўрнатиш ва созлаш масалалари юзасидан қуйидаги адресда жойлашган Тошкент Бош ателъесига мурожаат қилиниши лозим: Тошкент — 185, «Халқлар дўстлиги» проспекти, 4—4 «а»-уй. Телефон: 77-65-69.

«БК-1500» РЎЗҒОР КОНДИЦИОНЕРЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГИЗ!

УЛАР ЁЗНИНГ ИССИҚ КУНЛАРИДА ХОНАДА МИКРОИҚЛИМНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.



БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ.
«УЗХОЗТОРГ» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ САВДО базаси.
«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети

ЛЕНИН, ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ВА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ

С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 166-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Металлар бўйича универсал токарлар ва универсал фрезерчилар, учиш аппаратларини йиғувчи слесарлар, механика-йиғув-ишлари бўйича слесарлар, дурадгорлар, тунука ва инструментлар бўйича слесарлар.

Ўқиш муддати — 3 йил.

УҚИШГА 8- СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, ШАҲАРЛИК ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Шаҳарнинг чекка қисмидан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртини битирганлар ўрта маълумот ҳақида аттестат ва касблари ҳақида диплом ва В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаш учун йўлланма оладилар.

Билим юртини аъло баҳо билан битирганлар олий ўқув юртлари ва техникумларининг сиртқи ва кечки бўлимларига конкурсдан ташқари қабул қилинадилар.

Билим юртида ўқишлар техника воситалари билан жиҳозланган фан кабинетларида ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар заводдан бериладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртида спорт секциялари ва авиамоделчилар, фото, радио ҳамда бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд.

Ўқувчиларнинг дам олишлари учун Чимён атрофида махсус дам олиш лагери бор.

Шунингдек, ўқувчилар бепул уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасида ишлаган иш ҳақининг бир қисмини оладилар.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ариза, таржимаи ҳоли, 8-синфни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 4х5 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Генерал Петров кўчаси, 331-уй 29-трамвай ва 30-автобуснинг «Валихонов кўчаси», 8, 48, 21, 80-автобусларнинг «4-турар жой шаҳарчаси» бекатлари).

А. АБДУРАҲМОНОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКУМИ

1978—79 ЎҚУВ ЙИЛИНИНГ КУНДУЗГИ, КЕЧКИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРИГА

ўрта ва тўлиқсиз ўрта мактабни тугатганларни қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

пойафзал, қўн-чарм буюмлари ва мўйна буюмлари корхоналарини ускуналаш, тикув фабрикаларини ускуналаш, устки кийимларни моделлаштириш, қўн буюмлари технологияси, мебель ишлаб чиқариш, тикувчилик ишлаб чиқаришн технологияси, пойафзалларни моделлаштириш, йиғирув ва тикув фабрикалари технологияси, металларни қирқиб ишлаш, чарм технологияси, трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш, ёғочсозлик саноати машиналари ва ускуналари.

8-синфни «4» ва «5» баҳолар билан якунлаганлар «Қўн буюмлари технологияси» мутахассислигига (кундузги бўлимга) кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Аризалар кундузги бўлимга, 8-синфни битирганлардан 31 июлгача, ўрта мактабни битирганлардан 14 августгача қабул қилинади.

Кечки бўлимга 8 синфни битирганлардан 6 августгача, ўрта мактабни битирганлардан 15 ноябргача қабул қилинади.

Сиртқи бўлимга эса 10 августгача қабул қилинади.

ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ— БАРЧА ТЕХНИКУМЛАР УЧУН УМУМИЙДИР.

Ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 26-уй (1, 5, 9-троллейбуслар ва 3, 16, 25-автобуслар, 1, 5, 12, 8, 9-трамвайлар) Телефон: 33-40-89.

«ЎЙИНЧОҚЛАР УЙИ»ГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ЎЙИНЧОҚ КИЧКИНТОЙЛАРНИ ЭРТАК ВА СЕҲРГАРЛИКНИНГ АЖОИБ ОЛАМИГА, ШИРИН ХАЕЛЛАР, ОРЗУ ВА УМИДЛАР ОЛАМИГА ОЛИБ КИРАДИ.

Хушбичим ва хушчақчақ ўйинчоқ болаларнинг тасаввурини ривожлантириб, эстетик дидини шакллантиради. Болалар ўйинчоғи — бутун умрга етади. У энг яхши, энг қимматли совғадир. Бола ўйинчоқни ўйнабгина қолмай, шу билан бирга, ўрганади, қуради, конструкциялайди, у орзу, ижод қилади ва ўйнайди.

БИЗ СИЗЛАРНИ, ҚИММАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ 30/1 МАГАЗИНИ ФИЛИАЛИГА —

«ЎЙИНЧОҚЛАР УЙИ»ГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!



Ҳар куни бу ерда айланма, ясси, кит, тимсоҳ, саккиз оёқ, оқкуш каби ўйинчоқларнинг кўплаб хиллари савдога қўйилган. Бу ўйинчоқлар айниқса, болаларга ёз фаслида чўмилиш пайтида қўл келади. Болалар ўйинчоқ билан сувга қўрқмай тушадилар, чунки уларнинг ёнларида ишончли дўстлари бор.

Сол, тўшаклар, қайиқчалар сувга чидамли, киргоқда эса — унда маза қилиб ётиб дам олиш мумкин.

Дам бериладиган резина ўйинчоқлар универсал бўлади — болалар бундай ўйинчоқлар билан сувда, майдончада, хонада ўйнашлари мумкин. Улар осонгина ювилади ва тез қурийди.

... Бонифаций арслон, Тортилла донишманд тошбақа, гамхўр тимсоҳ Гена, содиқ Чебурашкалар — буларнинг ҳаммаси эртакдан олинган бўлиб, болаларнинг юмшоқ, қувноқ, севимли ўйинчоқлари, Раҳмат ўйинчоқ! Таня, Оля, Марина, Света, Ира, Лола, Сайёра, Гулнора қўғирчоқларнинг гўзаллиги ва ясанганлигини кўриб кўзингиз қувонади!

Улар ўзларининг кичик аячаларини ясанган ҳолда магазин пештахталарида кутиб ўтиришибди.

«Ўйинчоқлар уйи» болаларга тақдим этаётган ўйинчоқлар орасида автомашиналар, ағдарма машиналар, юк машиналари, қўтарма кранлар, минорали кранлар, танклар, ўзиюрар машиналар, тўпончалар, ракета қурилмалари, пулемётлар, боғбон асбоблари, металл ва пластмассадан тайёрланган идишлар набори, ошхона мебеллари, сув сепадиган идиш, челакча, сумкача, чемодан, беланчак, велосипед, аравача, спортроллер, коптоқ, стол ўйинчоқлари, музика асбоблари каби ўйинчоқлар бор.

Қўғирчоқни севадиганларни албатта қалам-дафтарлар бўлими қизиқтиради, чунки мактаб бўсағасида турган кичкинтойлар бугун мактабга боришларини ўйлайдилар.



УЛАР УЧУН ҲАР КУНИ САВДОДАН:

осма портфеллар, портфеллар, ўқувчилар папкалари, 1-синф ўқувчиларига совғалар, расм дафтарлар, бўёқ қаламлар, пластилин, акварель бўёқлар, пероли ва шарикли авторучкалар, снёх, тушь, перо, эҳтиёт стерженлар, катак ва тўғри чизиқли дафтарлар, 1-синфлар ўқувчилари учун умумий дафтарлар, чизғичлар, уч бурчакли чизғичлар, ён дафтарлар, эҳтиёт дафтарлари ва кўплаб нарсаларни топиш мумкин.

ҲУРМАТЛИ УРТОҚЛАР!

«ЎЙИНЧОҚЛАР УЙИ»ГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

У НАВОИЙ КЎЧАСИДАГИ ЯНГИ ШАҲАР ЯРМАРКАСИГА ЖОЙЛАШГАН. МАГАЗИН ҲАР КУНИ ЭРТАЛАБ 10.00 ДАН 19.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Соат 14.00 дан 15.00 гача тушлик. Дам олиш куни — душанба.

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ».
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

КИНО

3, 4 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

Қизил дипкурьерлар — «ЧАЙКА» (11.30, 13.30, 16, 18, 20, 21.30), «НУКУС» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00).

Министр бўлишни истайман — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (12, 14, 16, 18, 20, 21.30).

Мўйловли энага — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (12, 14, 16, 18, 20.00).

Уйинчоқ — «МОСКВА» (12, 14, 16, 17.45, 19.30, 21.15).

ЁЗГИ БИНОДА

Уйинчоқ—«ФЕСТИВАЛЬ» (20.50, 22.30).

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

3 ИЮЛЬ — ДУШАНБА

Марказий телевиденининг «Восток» программаси

18.30 Янгиликлар. 18.40 «Расмларда қуёш акси бор». 18.55 «Мўмай пуллар». ССР Иттифоқи Давлат академик Малый театри фильм-спектаклининг премьераси. А. Островский пьесаси асосида. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Омск Давлат рус халқ хорининг концерти. 22.30 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 23.05 «П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс кундалиги». 23.35 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденниесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Бим, Бам, Бом ва бўри». Болалар учун мультфильм. 18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ пионер ёзи». 18.50 Телетомошабинларнинг хатларига халқаро масалалар бўйича шарҳловчи жавоб беради. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус). 19.30 «Яшил илон». Катталар учун мультфильм. 19.40 «Музика истиқболининг эгалари». Т. Жалилов номли Андижон шаҳар музика билим юрти ўқувчиларининг чиқиши. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Дил куйласин». Лирик концерт. 21.20 «Менинг Ўзбекистоним». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Н. Злобин методи асосида». «Каракалпакирсовхозстрой» шоликорлик тармоқларидаги механизациялашган бригадаларининг иш тажрибаси тўғрисида. 22.15 «Телевиденине экранида биринчи марта». «Марина». Бадиий фильм. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

4 ИЮЛЬ — СЕШАНБА

Марказий телевиденининг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 А. Островский. «Мўмай пуллар». ССР Иттифоқи Давлат академик Малый театрининг фильм-спектакли. 12.25 «П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс кундалиги». 15.00 Илмий-оммабоп фильмлар программаси. 16.05 «Шахмат мактаби». «Оқ рух» финали. 16.35 «Орлёнок» телестудияси ёш мухбирларининг «Манометр» заводи электр пайвандчиси Л. И. Панфилова билан учрашуви. 17.25 Болалар учун. «Кашф этилмаган ороллар». Телевизион бадиий фильм.

18.30 Янгиликлар. 18.40 Енгил атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида СССР—АҚШ терма командаларининг матчи. Донецкдан олиб кўрсатилади. 19.10 «Қишлоқ ишлар ва муаммолар». 19.40 П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс. Фортепьяно. III тур. 20.20 «Илк қувончлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Кремлнинг Съездлар саройидан санъат усталари ва музикали коллективлар концерти. 23.15 «Океандаги республика». Ҳужжатли фильм. 23.35 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденниесининг программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 Болалар учун фильм-концерт. 11.40 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Москвани айланиб». Бадиий фильм.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Энг ақлли қуён». Болалар учун мультфильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Камалак». 18.45 «Н. Г. Чернишевский—машҳур революционер-демократ, ёзувчи, публицист». Туғилган кунининг 150 йиллигига. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус). 19.30 «Янгит бўлиб туғилмайди». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. («Ўзбектелефильм»). 19.45 «Наштар» сатирик киножурнали саҳифаларидан. Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Субҳидам сабо». Концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Гўза парваришига алоҳида эътибор берайлик». Андижон области далаларида. 22.20 «Тилла тиш». Бадиий фильм. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Мен Тянь-Шанман». Бадиий фильм. 1-серия. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «Н. Огренич неаполитан қўшиқларини куйлайди». Телевизион фильм-концерт. 20.45 «Транспорт ва йўловчи». 21.15 «Пўлат» дарё қирғоқларида». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 Абитуриентлар учун. Физика.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

3 ИЮЛЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700,000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуш — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар ҳўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95. спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85. хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р. 13023.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетн Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579.

Нашр Д—1349.